

Гуруҳ	Ўрта					
Мавзу	Менинг шахрим-менинг маҳаллам					
Муддати	Сентябр ойининг 2-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Жисмоний машқлар бажариш вақтида гавдани тўғри тутишга ўргатиш. Арқонча билан сакраш, коптокни ерга уриш малакаларини шакллантириш. Тугмаларини мустақил ўтказиш ва ечишга одатлантириш. Бегона одамлар билан нима учун бирга кетмаслик кераклигини тушунтириш.				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўз тенгдошларига туйғуларини ифодалаш, ҳиссиётларини намоён этишга ўргатиш, ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш. Ўз ҳаракатларини баҳолаш. Оила аъзоларига ва дўстларига нисбатан ижобий фикрларни айтиш.				
	Нутк, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Мунозара вақтида ўз фикрларини билдириш ва саволлар билан юзланиш. Мураккаб бўлмаган содда гаплар тузиш. От ва сифатлардан фойдаланиб предметнинг ҳажми ва бўлақларининг шаклини номлаш. Сирғалувчи товушларни тўғри талаффуз этиш. Таълимий ва сўз ўйинларини ўйнаш орқали тафаккурни ривожлантириш. Қийин бўлмаган предметлар шаклини чизиш.				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Атроф-оламга бўлган қизиқишни ривожлантириш. Миқдор тушунчасини билиш. Бешгача бўлган предметларни санаш. Икки гуруҳ предметларини таққослаш. Предметларнинг жойлашувига қараб мўлжалга олиш (олдинда, орқада, юқорида, пастда). Вақт бўйича мўлжалга олиш (кеча, бугун, эртага). Баъзи физик жараёнларнинг моҳиятини билиш.				
	Ижодий ривожланиш	Ҳайкалтарошлик касбига нисбатан қизиқиш уйғотиш. Нақшлар чизиш. Ўзбекистон амалий санъатининг илк тушунчаларини бериш. Мусиқа тинглаш, хорда қўшиқлар айтиш малакаларини ривожлантириш.				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш-яаш ва математика	Шаҳар кўчаларидаги уйлар		Дарвоза курамиз		Қурилиш асбоблари, кубиклар, геометрик шакллар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Шаҳар бўйлаб экскурсия” ролли ўйин				Слайдлар, автобус, костюмлар, макетлар, ҳайдовчи бош кийими
	Тил ва нутқ	Менинг она шахрим. Ҳикоя тузиш	“Топ-чи, нима ўзгарди?” таълимий ўйин		Слайдлар, расмлар, турли ўйинчоқлар, китоблар бурчаги	
	Фан ва табиат	Амалий тажриба: Кўринмас ҳаво	“Эрта куз аломатлари” таълимий ўйин		Куз тасвирланган расмлар	
	Санъат	Расм чизиш: Байрамга безатилган уй	Аппликация: Бизнинг кўчамиздаги шарлар	Лой иши: Меҳмонлар учун ширинликлар		Қоғоз, бўёқ, мўйкалам, гулли ҳаво шарлари силуэти туширилган альбом
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

СЕНТЯБРЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА МЕНИНГ ШАҲРИМ. МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

Қуриш-яаш ва математика маркази

Шаҳар кўчаларидаги уйлар

Мақсад: болалар фотосуратлар, схемалар бўйича қуриш-яаш ишларини олиб борадилар, кичикроқ объектнинг горизонтал ва вертикал қисмларини ясай оладилар, олд, орқа, юқори, паст, ўнг, чап тушунчаларини биладилар, рангларни фарқлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, геометрик шакл, модуль, фотосурат, расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли кўринишдаги уйларнинг расмларни кўриш.
2. Схема асосида уйни лойиҳалаштириш.
3. Керакли жиҳозларни танлаш
4. Уйларни конструкциялаш.
5. Болалар ишининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: “Мен қаердаман?”, “Нима ўзгарди?” таълимий ўйинлари

Эътиборга молик жиҳати: болаларда изланувчанликни рағбатлантириш, предметнинг баландлиги, узунлиги, энини билиш, конструкцияга ўзгартиришлар киритиш.

Қуриш-яаш ва математика маркази

Дарвоза қурамы

Мақсад: болалар тикка ўрнатилган конструкцияларни ўзгартира оладилар, тўсиқлар ўрнатишни ўрганадилар, ўйинчоқ ҳажмига мослаб деталлар танлайдилар, қурилмани тез ва ихчам бузадилар ва қайта йиғадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ғиштча, кубик, геометрик шакл, қутича, ўйинчоқ автомашина, фотосурат ва расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Дарвозалар намуналари ва расмларини кўриб чиқиш
2. Керакли жиҳозларни танлаш
3. Дарвозани қуриш (паст-баланд, катта-кичик).
4. Бажарилган иш таҳлили

Қўшимча: “Дарвозани ўзгартир” таълимий ўйини. Ўйинчоқ машинага турли ўйинчоқларни юклаш ва дарвозадан ўтказиш. Тўғри жойлаштир” таълимий ўйини (ҳажмига кўра).

Эътиборга молик жиҳати: қурилмани бузиш ва уни қайта йиға олиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Шаҳар бўйлаб экскурсия” ролли ўйин

Мақсад: экскурсия давомида болалар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қиладилар, тасаввурдаги объектларда сайр қиладилар, предметларни алмаштириб ишлата оладилар, шаҳар, касб, тренер, кутубхоначи сўзларининг маъносини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, автобус, костюм, макет, ҳайдовчи бош кийими, руль, касса ёзуви, қурилиш моллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шаҳар ҳақида суҳбат, АКТ ёрдамида шаҳар кўринишларини томоша қилиш.
2. Экскурсияга тайёргарлик кўриш: стулчалардан автобус яшаш, йўналишни белгилаш.
3. Ролли ўйин жараёни. Автобусга жойлашиб экскурсияни бошлаш. “Ҳайвонот боғи” бекати (болалар ҳайвонлар расмлари туширилган ниқобларни киядилар ва мусиқага мос ҳаракатланадилар).
Атракционлар бекати (Арғимчоқ ўйини ...).
Кутубхона бекати.....
4. Ролли ўйин якуни, муҳокама.

Қўшимча: “Бизнинг шаҳар” фотосуратларини кўриш, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш, кўчаларда сайр қилиш. Истироҳат боғи ходимининг иши, кутубхоначи, жисмоний тарбия йўриқчисининг иши билан танишиш.

Эътиборга молик жиҳати: ўйин жараёнида ҳамкорлик ва ўзаро дўстона муносабат.

Тил ва нутқ маркази

Менинг она шаҳрим. Ҳикоя тузиш

Мақсад: болалар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини ўрганадилар, ўз шаҳри билан фахрланиш, уни чиройли ва озода сақлаб қолиш ҳиссини шакллантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, фотосурат, турли хил ўйинчоқ, китоблар бурчаги, тўсиқ, макетлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Она шаҳримизнинг шоҳ кўчалари, асосий диққатга сазовор жойлари ва дам олиш масканлари тасвирланган расмларни томоша қилиш.
2. Шаҳар тозалиги ва уни асраш ҳақидасуҳбат.
3. Менинг шаҳримда менга нималар ёқади? “Шаҳрим бўйлаб саёҳат” мавзусида ҳикоя тузиш.
4. “Тапни тугатиб қўй” таълимий ўйинни ўйнаш
5. Жараён таҳлили, рағбатлантириш

Қўшимча: шаҳар (қишлоқ, туман, вилоят) ҳақида бадий асарлар ўқиш, фотосуратлар, видеороликлар кўриш, шаҳар бўйлаб экскурсия.

Эътиборга молик жиҳати: ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш, билиш фаоллигини ривожлантириш.

Тил ва нутқ маркази

“Топ-чи, нима ўзгарди?” таълимий ўйин

Мақсад: болалар транспорт турларини ўрганадилар ва топишмоқларнинг жавобини топадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: топишмоқли карточкалар, ҳар хил расмли катта ва кичик карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тарбиячи топишмоқни ўқийди, болалар жавобини топадилар, топган бола карточка олади. Ким кўп карточка йиғса, ўша ғолиб бўлади.
2. Тарбиячи топишмоқни ўқийди, болалар биргаликда топадилар, кимда ўхшаш расм бўлса, у билан катта картадаги расмларни ёпади (лотога ўхшаш).
3. Болалар-ўйинчи, бир нафар бола-бошловчи. Ўйин лото ўйини тарзида боради, фақат бошловчи расмни айтади.

Қўшимча: йўл ҳаракати белгилари ҳақида билим бериш.

Эътиборга молик жиҳати: ўйинда ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик муносабатлари.

Фан ва табиат маркази

Амалий тажриба: Кўринмас ҳаво

Мақсад: болалар ҳавонинг физик хусусиятларини ўрганадилар, оламни билишга доир масалаларни ечадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: 2 та стакан, банка, губка, найча (трубка)

Фаолиятнинг бориши:

1-тажриба: “Ҳаво”

Стаканнинг тагини тепага айлантириш ва уни сув солинган катта ҳажмдаги идишга секин солиш. Стаканни тўғри ушлаш. Нима содир бўлади? Стаканга сув тушадими? Нимага йўқ?

Хулоса: Стаканда ҳаво бор, у сувни киритмайди.

2-тажриба: Ҳаво шарчалари

Стаканни сувли банкага солинг ва бироз қийшайтириб ушланг. Сувда нима пайдо бўлади? Ҳаво шарчалари кўринади. Улар қаердан пайдо бўлди?

Хулоса: ҳаво стакандан чиқади ва унинг ўрнини сув эгаллайди.

3-тажриба: Ҳавонинг ҳаракатланиши

Қўлингизни юзингиз олдида силкитинг. Қандай ҳолат? Қўлингизга пуфланг. Нима ҳис қилдингиз?

Хулоса: бу ҳиссиётлар ҳаво ҳаракатланишидан

4-тажриба: Сувда ҳаво бор

Стаканга сув солинг, найчанинг бир учини сувга солинг, иккинчи учини оғизга олиб пуфланг. Нимани кузатасиз? Шарчалар қаерда?

Хулоса: сиз ҳавони чиқардингиз, у сувда пуфакчалар бўлиб кўринди.

5-тажриба: Сувда ҳаво пуфакчалари кўринади

Губкани кузатинг. Нимани кўрасиз? (Тешикчаларни). Бу тешикчаларда нима бор? (Ҳаво). Губкани сувга солса нима бўлади? Сувда пуфакчалар пайдо бўлади.

Хулоса: тешикчалардан ҳаво сувга чиқади.

Қўшимча: болалар билан табиатни ва сувни асраш кераклиги ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг атроф-оламни билишга бўлган қизиқишларини ошириш.

Фан ва табиат маркази

“Эрта куз аломатлари” таълимий ўйин

Мақсад: болалар эрта куз аломатларини гапириб берадилар, ёз ва куз ўртасидаги фарқни топадилар, куз ойларини айтадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кузги манзара тасвирланган расмлар ва фотосуратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эрта куз тасвирланган расмларни кузатиб эрта куз белгилари ҳақида суҳбатлашиш.
2. “Хатоларни тузат” таълимий ўйин.

Эрта куз - йилнинг гўзал фасли. Кузнинг биринчи оyi сентябрда ёз фаслининг июль ва август ойидек иссиқ бўлади. Қуёш жуда қаттиқ қиздиради. Одамлар дарё ва кўлларда чўмилади. Дарахт барглари секин-аста сарғаяди ва тўкила бошлайди. Бу ой ўзининг ширин мевалари билан ҳаммани хурсанд қилади.

3. “Тапни тугат” таълимий ўйин.

Ёзда кунлар узун, кузда ...

Ёзда тунлар қисқа, кузда ...

Ёзда ёмғир илиқ, кузда ...

Ёзда қушлар кўп, кузда ...

Ёзда гуллар кўп, кузда ...

Ёзда ўтлар яшил, кузда ...

4. Болаларни рағбатлантириш

Қўшимча: болалар хотирасини кучайтириш, кўргазмали қуроллар билан ишлаш, мавзу бўйича болалар билимларини мустаҳкамлаш. “Кузги манзара” расмига қараб ҳикоя қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: табиатни асраш ва муҳофаза қилиш.

Санъат маркази

Расм: Байрамга безатилган уй

Мақсад: болалар расмга қараб қоғоздаги рангсиз расмни бўяйдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лар: намуна, қоғоз, буёқ, мўйқалам ёки рангли қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиш.
2. Намунани томоша қилиш.

3. Болаларнинг ижодий фаолияти.
4. Болалар ишини кўриб чиқиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: қоғозни тонировка қилиш техникаси билан болаларни таништириш, уйлар тасвирланган фотосурат, расмлар кўриш. “Тасвирни топ” таълимий ўйинини ўтказиш.

Эътиборга молик жиҳати: фарз қилиш, ўйлаш ва ижод қилиш.

Санъат маркази

Аппликация: Бизнинг кўчамиздаги шарлар

Мақсад: болалар предмет силуэтини салфетка бўлакчалари билан тўлдиришни биладилар, материалларни рангига қараб мослайдилар, қоғознинг хусусиятларини биладилар, елим билан ишлай оладилар, таниш материалларни ёпиштира оладилар, ўз ишлаган жойларини тартибли бўлишини назорат қиладилар, рангларни айта оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли рангдаги шарлар, силуэт туширилган альбом varaғи, клеёнка, елим, сочик, мўйқаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Меҳмонга Винни-пух келади, болалардан дўсти Пятачок учун совға тайёрлашга ёрдам сўрайди.
2. Намуна–табрикномалар тасвирларини кўриб чиқиш.
3. Болаларнинг ижодий фаолияти. Ўралган салфеткалар елимга ботирилиб, контурга жойланади.
4. Ишлар кўргазмаси. Рағбатлантириш

Қўшимча: учадиган пуфаклар билан ўйинлар, расмларни кўриш, шеърлар ўқиш, таълимий ўйинлар.

Эътиборга молик жиҳатлар: болалар ижодини ўстириш, қўл майда моторикаси ҳаракатларини ривожлантириш.

Санъат маркази

Лой иши: Меҳмонлар учун ширинликлар

Мақсад: болалар нима яшашларини ўзлари мустақил аниқлайдилар, бажарилаётган ишни охирига етказадилар, таниш предметларнинг образини ясай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, тахтача, стеклар, сувга бўктирилган губка ва идиш.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Куз” мавзусида тақдирот намойиши
2. “Қани топчи, нима ясади?” имитацион ўйин (яшаш усуллари болалар билан муҳокама қилинади).
3. Меҳмонлар учун ширинликлар яшаш жараёни.
4. Болалар ишларини таҳлил қилиш ва ижодларини рағбатлантириш.

Қўшимча: кузатиш, ҳар хил шакл ва ҳажмдаги бир нечта предметларни қиёслаш.

Эътиборга молик жиҳатлар: мустақил ишлашни рағбатлантириш ва ижод билан шуғулланиш истагини орттириш.